

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.43: 334.012.23 (575.16)

РАҲМОНОВ ҲАМРОҚУЛ ОҚЌИЕВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



ТОШКЕНТ – 2010

334.75
P-33
Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи:

иктисод фанлари доктори
Ғойибназаров Баҳодир Каримович

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
иктисод фанлари доктори, профессор
Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

иктисод фанлари доктори, профессор
Улашев Истам Одилович

иктисод фанлари доктори
Салаев Санъатбек Комилович

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Ҳимоя 2010 йил «5» Март соат 9⁴⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «2» Феврал да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Б. Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хатарларига қарши чора-тадбирларни белгилаш, бу инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оқибатларининг олдини олиш ва қарши курашиш, “2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралари дастури”да белгиланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш бугунги кунда барчамиз учун устувор вазифадир.

Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш уларда ўз фаолиятининг яқиний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини янада оширади. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”¹.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблаг талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Кичик бизнес янги иш ўринларини яратиши билан ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳа изчил ривожланаётганлигидан далolat беради.

Расмий статистик маълумотларга кўра, сўнгги олти йилда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди². 2010 йилга бориб бу кўрсаткични 50–52 фоизга, хизмат

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009–46 б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

кўрсатиш соҳаси салмоғини эса 49,0 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор. 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш лозим³.

Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76,0 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётганлиги айниқса, эътиборлидир. Банклар томонидан 2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тақдим этилган кредитлар 36,0 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70,0 фоизга кўпайди.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилганлигини қайд этиш жоиз. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати сезиларли даражада яхшиланди. Бирок, амалга оширилган ишлар кўламига қарамасдан минтакаларда бу соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг турли кесим(туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли)ларда ривожланиш тенденцияларини акс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритмлар мажмуини ишлаб чиқиш, фаолият самарадорлигини эконометрик баҳолаш, иқтисодий ривожланиш стратегиялари эконометрик моделларини тузишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб колмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хусусий тадбиркорлик назариясининг ривожланиши хорижлик олимлардан Ж. Бодо, М. Вебер, Дж.К. Гэлберт, Х. Кен, Р. Кантильон, Я. Корнаи, А. Маршалл, Д. Норта, В. Ойкен, М. Портер, П. Самуэльсон, Р. Бэрроуза, П. Гэнгъли, Д. Крэн, Д. Ньюболда, Д. Рассел, Д. Торүэлл ва бошқаларнинг асарларида кенг баён этилган. Хориж фанида катта ҳажмдаги илмий тадқиқотлар тадбиркорликни ўрганишнинг турли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган.

Кичик бизнес ривожланишининг замонавий тенденциялари МДҲ давлатлари олимларидан Ш. Агеев, А. Бусыгин, А. Блинов, Е. Бухвальда, О. Емельянов, В. Королев, А. Колесников, М. Лапуста, С. Мазоль, В. Мальгина, С. Мокичев, А. Орлов, М. Попов, В. Радаев, В. Рубе, Ю. Старостин, Ю. Тарахуна, В. Фадеев, А. Чепуренко, Ф. Шамхалов, А. Шулуc, О. Шестоперовларнинг илмий асарларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий муаммолари, шунингдек, эконометрик моделларини тузиш бўйича маҳаллий олимлардан С.С. Фуломов, Қ.Х. Абдурахмонов, Х.П. Абулқосимов, Ё. Абдуллаев, А. Абдуғафаров, Р.А. Алимов, Р.Х. Алимов, Б.А. Бегалов, Б.Б. Беркинлов, А.В. Ваҳобов, О. Кенжабоев, Н.М. Маҳмудов, О. Рихсимбоев, Б.Т. Салимов, С.К. Салаев, Қ. Сафаева, Н. Тухлиев, И. Турсунов, И.О. Улашев, Б.Ю. Ходиев, Р.Р. Хасанов, Ш.Р. Холмўминов, Т.Ш. Шодиев, Э. Эгамбердиев, А.Б. Югай,

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

М. Қосимова, Б.К. Ғойибназаров ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁴.

Республикамиз олимларидан Б.Ю.Ходиев⁵ ва С.Салаев⁶лар ўз илмий ишларида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш муаммоларини ўрганиб, ушбу масалаларга макроиқтисодий нуқтан-назардан ёндашганлар. Улар ўз олдига минтақа ёки алоҳида олинган ҳудудлар бўйича ушбу соҳадаги муаммоларни ўрганишни мақсад қилиб қўймаганлар.

Аммо ҳозирги вақтда кичик тадбиркорликнинг минтақалар миқёсида ривожланиши, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу тоифадаги субъектлар олдига турган муаммоларни ёритиш борасидаги илмий ишланмалар етарли ва мукамал эмас. Хусусан:

-тадқиқотларда асосий жиҳат ҳисобланган кичик бизнес шаклланишининг турли аспекти (хукуқий, молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳ.к.) кам ёритилган;

-хорижлик ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқотларида мураккаб, мустақил ва кўп функционал тизимлар сифатидаги кичик бизнес моҳиятини кўриб чиқишнинг тизимли ёндашувлари амалда мавжуд эмас;

-институционал қайта шаклланиш жараёнида Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиши ва мавжуд қонуниятлари ҳамда тенденцияларини илмий текшириш иқтисодий адабиётларда кенг ёритилмаган ва ҳ.к.лар.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда уни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар минтақалар даражасида деярли амалга оширилмаган. Бу ҳолатлар мазкур тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари доирасини белгилашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш давлат илмий-техник дастури доирасида Бухоро давлат университетида олиб борилган илмий тадқиқотлар режаси бўйича бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ривожланишини прогнозлашни эконометрик моделлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁴ Турсунов И.Э. Региональные проблемы развития малого и частного предпринимательства (на материалах Кашкадарьинской области): Икт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 1999.-21 б; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 2002.-256 б; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 саволга - 100 жавоб. – Т.: «Мехнат». 2002. - 157 б; Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. Т.: 2003.-258 б; Рихсимбоев О.К. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик баъоратлаш. Икт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2002.-22 б; Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса.: Икт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 2004.-22 б; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: Икт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.: 2005.-39 б; Шодиев Т.Ш., Ходиев Б.Ю. и др. Эконометрика учеб. пособие. – Т.: “Шарк”. 1999.-240 с.

⁵ Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Икт.фан. докт. дисс.автореф. –Т.: 2000.-42 б;

⁶ Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва баъоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Икт.фан. докт.илм. дар диссертацияси. –Т.: ТДИУ. 2008.- 325 б.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, куйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этилди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг назарий-услубий асосларини ўрганиш;

- минтақа иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрнини асослаш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши таҳлилида иқтисодий ва эконометрик усулларни татбиқ этиш хусусиятларини кўрсатиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари иқтисодий фаолиятини ўрганиш юзасидан анкета сўровлари ўтказиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг минтақавий муаммоларини бартараф этишга асос бўладиган омилларни аниқлаш;

- Бухоро вилояти туманлари кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш;

- вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- тадбиркорлик муҳитининг кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганиш ва уни эконометрик баҳолаш;

- минтақада кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

- кичик тадбиркорлик корхоналари иқтисодий самарадорлигини эконометрик баҳолаш;

- глобал молиявий инкирознинг вилоят кичик бизнес соҳасига таъсири ва уни юмшатишнинг асосий устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини прогнозлаш вариантларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари танланган. Тадқиқот предмети бўлиб, минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг эконометрик моделлаштиришдаги ташкилий-иқтисодий муносабатларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, математик статистика, эксперт баҳолаш, эконометрика, иқтисодий-математик моделлаштириш, анкета орқали кузатиш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар каби усуллардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.

- кичик бизнесни минтақаларда ривожлантиришнинг ташкилий-услубий модели;

- минтақада КБХТ турли кесим(туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли)ларда ривожланишининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш тизими;

- вилоят иқтисодий индикаторларининг боғланиш зичлигини баҳолаш матрицаси;

- вилоят КБХТлари фаолияти эконометрик тахлили учун таклиф этилаётган алгоритмлар;

- вилоят маъмурий ҳудудларининг ривожланганлик даражаси бўйича табакалаштирилган гуруҳларга мансублигини аниқлаш модели;

- мураккаб тузилишли эконометрик моделлар тизимидан вилоятда кичик тадбиркорлик ривожланишини прогнозлашда фойдаланишнинг сценарий усули;

- ҳудудий тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашувчи инфратузилмалар мавқеини ошириш бўйича таклифлар;

- кичик тадбиркорлик иқтисодий фаолиятини анкета орқали кузатишлар натижалари.

Илмий янгилиги. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти асосий йўналишларини баҳолаш, ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш юзасидан илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимиз минтақаларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини устувор ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни туркумлашнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган;

- республикаимиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг илмий-услубий йўналишлари белгилаб берилган;

- Бухоро вилоятида кичик бизнес субъектларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари аниқланиб, уларни ҳал этишнинг услубий жиҳатлари илмий асосланган;

- вилоятдаги кичик бизнес субъектлари фаолияти тахлилида қўлланиладиган алгоритмлар ва эконометрик моделлар тизими таклиф этилган;

- вилоят туманларини кичик бизнес соҳасининг иқтисодий самарадорлигига кўра оптимал гуруҳлаштириш алгоритми тавсия этилган;

- кўп омилли индекслар усули ёрдамида вилоят кичик бизнес соҳасининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган;

- минтақа иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг эконометрик моделлари тавсия этилган ;

- инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида кичик бизнес соҳасини рағбатлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- вилоятдаги кичик бизнес субъектлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг прогнозлаш вариантлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Асосий хулоса ва натижалар вилоят ҳокимлиги томонидан ҳудудий мувофиқлаштирувчи Дастурлар ишлаб чиқилишига ҳамда “Маҳаллийлаштириш Дастур”лари амалга оширилишига кўмаклашади, вилоятда кичик бизнес соҳасини диверсификациялаш асосида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш,

қўшимча янги иш Уринлари яратиш, шу орқали аҳоли даромадларини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, илмий ишдаги айрим тавсиялардан иктисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида талабаларга “Эконометрика”, “Иктисодий-математик усуллар ва моделлар”, “Математик моделлаштириш”, “Минтақа иктисодиёти” каби фанларни ўқитишда, ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Бухоро вилояти ҳокимлиги (№ 3/532–3.10.08), Бухоро вилояти Савдо – sanoat палатаси (№ ШХ–01–321–7.10.08), Бухоро вилояти статистика бошқармаси (№ 01/1–04/570–7.10.08), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (№01/929–01.12.08), Бухоро давлат университети (№14/10–5.11.08) томонидан амалиётга ва ўқув жараёнига татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Асосий хулоса ва натижалар “Иктисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иктисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш муаммолари” (Тошкент, ТДИУ, 2006), “Иктисодиётни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар” (Тошкент, ТДИУ, 2007), “Иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш” (Тошкент, ТДИУ, 2007), “Ўзбекистон иктисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, ТДИУ, 2008), “Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш” (Тошкент, ТДИУ, 2009), “Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иктисодий инкирози оқибатлари ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари” (Бухоро, БУХДУ, 2009), “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (Тошкент, ТДИУ, 2009) каби халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Тадқиқот иши, шунингдек, Бухоро давлат университетининг Иктисодиёт факультети Бирлашган илмий семинарида, Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти “Менежмент” ва “Иктисодий статистика” кафедраларининг Бирлашган илмий семинарида, Ўзбекистон Республикаси ФА Математика ва инфорацион технологиялари институти “Ахборот-аналитик тизимлар” лабораторияси илмий семинарида ҳамда Тошкент давлат иктисодиёт университети Ихтисослашган кенгаши қошидаги илмий семинарда муҳокама этилиб, химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 20,8 босма табоқ ҳажмида 1та монография, 34 та илмий мақола ва маъруза тезислари эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Унинг асосий мазмуни 300 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилишини акс эттирувчи маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг биринчи боби “Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий ва услубий асослари” деб номланган бўлиб, кичик бизнеснинг ўзаро уйғун самарали чоралар асосида жадал ва барқарор, изчил ва устувор ривожланиши: ресурсларни юқори самарали соҳаларга йўналтиришда ва энг йирик меҳнат бозоридида кам харажатлар эвазига бандлик муаммосини ҳал этишда; истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда; ижтимоий гуруҳларнинг даромад манбаларидаги тафовутларни қисқартиришдаги муҳим ўрни назарий-услубий жиҳатдан батафсил баён этилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иктисодий инкирози салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини белгилашда И.А. Каримов уқтирганидек, “...кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида янада жадал ривожлантириш - устувор вазифа бўлиб қолади”⁷.

Муаллиф фикрича, “Тадбиркор”, “Тадбиркорлик” тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш учун уларга муқаддам берилган илмий таърифларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш орқали уч гуруҳ(хорижликлар; маҳаллий олимлар ва мутахассислар; меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда турқумлаш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда эслатиш жоизки, Ж.Б. Сэй ва И. Шүмпетер, академик С.С. Ғуломов⁸, проф. Ё. Абдуллаев ва проф. Ф. Каримов⁹, проф. Х. Абулқосимов¹⁰ ва бошқа олимларнинг асарларида тадбиркорликнинг бозор иктисодиёти талабларига мос иктисодий мазмуни ва ички моҳиятини очиб берувчи устуворликларга эгаллиги ҳақидаги қатор ёндашишлар келтирилиб, фойда олишга қаратилган фаолият, бандликни таъминлаш ва бозорни тўлдириш воситасилиги(Ё. Абдуллаев) таъкидлангану аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш (Х. Абулқосимов) омил эканлиги эътибордан четда қолган. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида қуйидагича акс этган: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, тавakkал қилиб ва ўз мулквий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.:Ўзбекистон, 2009.-46 б.

⁸ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. - 32 б.

⁹ Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. –Т.: Меҳнат. 2000. – 9 б.

¹⁰ Абулқосимов Х. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иктисодий муаммолари. – Т.: ТДТУ нашриёти. 1998. – 6 б.

фаолиятдир”¹¹.

Тадқиқот ишида “тадбиркор” ва “тадбиркорлик”нинг уч жиҳати (бандликни таъминлаш, бозорларни тўлдириш, фойда (даромад) олиш) мужассамлашган куйидаги илмий таърифлар асослаб берилган: “Тадбиркор бу юридик ёки жисмоний шахс сифатида рўйхатдан ўтган, мунтазам равишда фаолият олиб боровчи шахсдир”. “Тадбиркорлик конун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкрий жавобгарлиги остида фойда (даромад) олиш, бандликни таъминлаш, бозорларнинг мўл-кўллигини оширишга хизмат қилувчи ташаббускор фаолият ҳисобланади”.


Демак, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини, шулар асосидагина (ресурсларни тежаб, сифатли маҳсулот чиқариш йўли билан) иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкинлигини унутмаслик керак. Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тадқиқот ишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг макроиқтисодий ва минтақавий тенденциялари таҳлил этилиб, кичик бизнесни минтақаларда ривожлантиришнинг ташкилий-услубий модели ишлаб чиқилган (1-расм). Бунда макроиқтисодий тенденцияларнинг ижтимоий, технологик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари ҳамда минтақалар ривожланишининг кучли ва заиф имкониятлари баҳоланган; келгуси ривожланишнинг хавф-хатарлари туркумлаштирилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ривожланишининг стратегик вазифалари сифатида: энг муҳим устувор йўналишлар ривожини рағбатлантириш; салоҳиятлиларга қулайликлар яратиш; тармоқ ва ҳудуд ривожини учун зарур паст рентабелли субъектларни қўллаб-қувватлаш; юқори фойда келтирадиган бўшлиқни эгаллашга ихтисослашув; йирик корхоналар билан кооперациялашув; истеъмолчилар талабига мослашув; мустикал тадбиркорлик муҳитини мустаҳкамлаш кабилар ҳақидаги қарашлар илмий асосланган.

Тадқиқотда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг тобора мустаҳкамланиши борасидаги амалий ишлар натижаси республикамиз ҳамда Бухоро вилояти статистик маълумотлари асосида қиёсий таҳлил этилган. (1-жадвал).

Бухоро вилоятида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик субъектлари сони 30704 тани ташкил қилди. Уларнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)даги улуши 59,3 фоизга етди. Кичик сектор иқтисодиётда бандларнинг 74,2 фоизини (540,9 минг киши) иш билан таъминлади. Уларнинг катта қисми – 54,3 фоизи (396,2 минг киши) хусусий

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 3-модда. –Т.: Ўзбекистон, 2000.



1-расм. Кичик бизнесни минтақаларда ривожлантиришнинг ташкилий-услубий модели

Муаллиф ишланмаси

**Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида кичик бизнес соҳаси
ривожланишининг макроектисодий ва минтақавий курсаткичлари
ўзгариши¹², фоиз**

| Курсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | |
|--|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | |
| 1. Умумий банд бўлганлар сонидаги улуш: | | | | | | | | | | |
| - республика | 49,7 | 53,0 | 54,5 | 56,7 | 60,3 | 65,5 | 69,3 | 72,3 | 76,0 | |
| - Бухоро вилояти | 49,0 | 51,9 | 52,4 | 54,3 | 58,4 | 65,3 | 67,5 | 73,5 | 77,8 | |
| 2. ЯИМ(ЯҲМ) ўсиши: | | | | | | | | | | |
| - республика | 100,0 | 104,2 | 104,5 | 104,7 | 104,2 | 107,7 | 107,0 | 107,3 | 109,0 | |
| - Бухоро вилояти | 100,0 | 104,3 | 103,5 | 104,0 | 101,9 | 107,6 | 106,9 | 106,3 | 110,0 | |
| 3. ЯИМ(ЯҲМ)даги улуши: | | | | | | | | | | |
| - республика | 31,0 | 33,8 | 35,5 | 35,0 | 35,6 | 38,2 | 42,1 | 46,0 | 48,2 | |
| - Бухоро вилояти | 33,0 | 34,8 | 35,0 | 37,1 | 38,0 | 40,7 | 53,5 | 56,2 | 59,3 | |
| Шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар: | | | | | | | | | | |
| - республика | 13,1 | 14,8 | 15,7 | 16,4 | 18,6 | 21,5 | 23,5 | 27,4 | 29,5 | |
| - Бухоро вилояти | 7,8 | 8,6 | 11,2 | 11,9 | 12,7 | 14,2 | 17,1 | 18,0 | 19,9 | |
| Кичик бизнес соҳасининг тармоқлар бўйича улуши: | | | | | | | | | | |
| 4. Саноатда: - республика | 11,3 | 14,1 | 14,1 | 10,9 | 10,1 | 9,4 | 10,0 | 12,9 | 15,2 | |
| - Бухоро вилояти | 9,4 | 11,7 | 12,3 | 13,3 | 9,7 | 10,4 | 10,7 | 11,5 | 13,1 | |
| 5. Қишлоқ хўжалигида: | | | | | | | | | | |
| - республика | 72,4 | 75,6 | 76,4 | 78,1 | 81,1 | 85,7 | 94,2 | 97,5 | 99,2 | |
| - Бухоро вилояти | 68,3 | 70,1 | 71,3 | 71,2 | 74,3 | 80,7 | 95,1 | 98 | 99,1 | |
| 6. Чакана савдо айланмасида: - республика | 45,9 | 45,8 | 43,8 | 42,4 | 42,2 | 43,7 | 45,3 | 47,2 | 49,4 | |
| - Бухоро вилояти | 28,2 | 29,4 | 30,7 | 30,9 | 27,0 | 28,8 | 31,4 | 36,0 | 41,7 | |
| 7. Пуллик хизматларда: | | | | | | | | | | |
| - республика | 37,9 | 39,9 | 41,3 | 45,4 | 47,9 | 52,5 | 50,9 | 50,5 | 51,5 | |
| - Бухоро вилояти | 51,7 | 55,9 | 58,2 | 62,5 | 67,4 | 69,3 | 68,3 | 69,9 | 72,0 | |
| 8. Субъектлар сони 1000 киши ҳисобига, бирлик | | | | | | | | | | |
| - республика | 6,0 | 7,1 | 8,6 | 8,3 | 9,2 | 10,3 | 13,2 | 14,2 | 15,6 | |
| - Бухоро вилояти | 7,1 | 8,3 | 9,4 | 11,8 | 12,7 | 11,2 | 13,4 | 15,6 | 18,4 | |

секторда, 19,9 фоизи (144,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмаларда банд. КБХТ субъектларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 13,1 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнеснинг республика ва Бухоро вилоятидаги ривожланиши киёсланганда ЯИМ(ЯҲМ)нинг ўсиш суръатлари,

¹² Давлат статистика қўмитаси ва Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

банд бўлганлар сонидаги, кишлоқ хўжалиги ва саноатдаги улуши қарийб тенглиги, ЯИМ(ЯХМ)даги, пуллик хизматлардаги улуши ҳамда 1000 киши ҳисобига тўғри келадиган субъектлар сони Бухоро вилоятида юқорилиги, бошқа кўрсаткичларни эса пастлиги кузатилди. Шунингдек, туманлар ва тармоқлар кесимидаги таҳлил ҳам муайян натижаларни берди (2-жадвал).

2- жадвал

Бухоро вилояти туманлари иқтисодий тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши, (фоиз)¹³

| Шаҳар ва туманлар | Саноат | | | Қишлоқ хўжалиги | | | Қурилиш | | | Савдо | | | Пуллик хизмат | | |
|-------------------|-------------|-------------|-------------|-----------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|---------------|-------------|-------------|
| | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил |
| Шаҳарлар: | | | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро | 23,9 | 31,1 | 32,4 | 95,8 | 97,5 | 97,8 | 41,0 | 42,3 | 49,1 | 29,5 | 30,8 | 37,6 | 63,1 | 65,7 | 66,8 |
| Когон | 10,4 | 10,9 | 12,4 | 98,8 | 100,0 | 99,9 | 6,3 | 16,9 | 14,6 | 21,0 | 27,6 | 30,1 | 76,9 | 67,3 | 75,7 |
| Туманлар: | | | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро | 7,2 | 11,4 | 10,1 | 93,5 | 98,6 | 99,8 | 69,8 | 62,4 | 63,3 | 42,6 | 36,0 | 42,6 | 67,1 | 73,9 | 67,8 |
| Вобкент | 10,7 | 18,2 | 46,3 | 91,5 | 99,8 | 100 | 97,8 | 97,2 | 94,8 | 19,3 | 27,0 | 31,2 | 68,1 | 68,0 | 72,6 |
| Жондор | 14,7 | 15,9 | 23,7 | 97,8 | 99,9 | 99,8 | 85,3 | 78,1 | 84,7 | 50,9 | 50,3 | 55,7 | 72,0 | 76,1 | 76,9 |
| Когон | 62,0 | 64,8 | 52,5 | 85,6 | 88,1 | 87,7 | 21,2 | 20,2 | 24,4 | 54,6 | 50,9 | 47,1 | 80,4 | 79,0 | 73,0 |
| Олот | 18,0 | 29,9 | 26,4 | 99,0 | 99,7 | 99,6 | 81,1 | 71,8 | 94,8 | 46,0 | 51,8 | 51,1 | 71,3 | 76,0 | 73,0 |
| Пешку | 11,4 | 16,7 | 17,1 | 99,4 | 94,8 | 99,4 | 72,5 | 82,9 | 87,1 | 27,5 | 23,6 | 33,1 | 70,4 | 75,5 | 77,3 |
| Ромитан | 6,9 | 7,3 | 8,0 | 98,8 | 98,5 | 96,9 | 49,3 | 35,9 | 39,1 | 32,1 | 38,6 | 40,4 | 53,4 | 69,8 | 72,3 |
| Шофиркон | 8,4 | 8,3 | 6,7 | 97,2 | 99,7 | 99,8 | 73,8 | 71,6 | 69,1 | 21,9 | 33,3 | 39,8 | 62,9 | 69,3 | 66,4 |
| Қорақул | 9,9 | 9,2 | 10,8 | 99,1 | 99,8 | 99,6 | 70,2 | 60,2 | 62,9 | 28,4 | 46,8 | 55,7 | 79,6 | 76,8 | 77,8 |
| Қоровулбозор | 0,3 | 0,2 | 0,2 | 95,6 | 96,4 | 95,6 | 0,6 | 2,8 | 3,7 | 15,8 | 20,7 | 20,6 | 52,7 | 39,1 | 42,3 |
| Ғиждувон | 26,6 | 43,5 | 32,9 | 87,4 | 98,8 | 99,8 | 73,9 | 70,9 | 84,6 | 41,8 | 51,2 | 54,9 | 79,2 | 78,0 | 85,6 |
| Жами | 10,7 | 11,5 | 13,1 | 95,1 | 98,0 | 98,0 | 35,8 | 36,0 | 43,3 | 31,4 | 36,0 | 41,7 | 68,3 | 69,9 | 72,0 |

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятига давлат аралашувининг кескин камайиши, ҳисобот топширишнинг қисқартирилиши ва соддалаштирилиши, солиққа тортишда имтиёзлар киритилиши, кредитлашда кенг қулайликлар яратилганлиги Бухоро вилояти иқтисодий муҳитида кичик бизнес субъектлари салмоғини мустаҳкамлаган¹⁴. Хусусан, вилоят (2006–2008-йиллар)да кичик

¹³ “Бухоро вилояти йиллик статистик тўплами”. Бухоро вилоят Статистика бошқармаси, 2009 йил. “Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йил январь-декабрь ойлари якуни бўйича асосий кўрсаткичлари”. Бухоро вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси, 2009 йил январь.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва ақамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2003 йил 24 январь), “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги(2005 йил 20 июн), “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”(2005 йил 5 октябрь)ги Фармонлари; Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда руҳсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида” Қарори (2009 йил 10 июн).

бизнес ривожланишнинг асосий тармоқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, пуллик хизмат)лари бўйича нисбий барқарор динамика кузатишганлиги ҳолда, шаҳар ва туманлар миқёсидаги динамик беқарорлик алоҳида тадқиқот ёндашувини тақозо этади. Чунки, асосий тармоқлардаги кичик бизнес ривожланишнинг таҳлили туманлараро тафовутнинг жиддий даражада сақланаётганлигидан далолат бермоқда. Масалан саноат ишлаб чиқаришида – Когон (52,5 фоиз) ва Қоровулбозор (0,2 фоиз), қурилишда Вобкент (94,8 фоиз) ва Қоровулбозор (3,7 фоиз), савдода – Қоровулбозор (20,6 фоиз) ва Жондор (55,7 фоиз), пуллик хизмат кўрсатишда Қоровулбозор (42,3 фоиз) ва Гиждувон (85,6 фоиз) туманларида сезиларли тафовутлар мавжуд.

Муаллиф фикрича, минтақа инфратузилмасида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг яхши ташкил этилиши иш билан бандлик муаммосининг юмшатилишини, аҳоли реал даромадлари ортишини, солиқ тушумлари кўпайишини, маҳаллий бюджет даромадлари ўсишини, иктисодиётда соғлом рақобат муҳити яратилишини ҳамда турли секторлар орасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланишини таъминлайди.

Тадқиқот ишининг “Минтақада кичик бизнес соҳаси иқтисодий фаолиятининг эконометрик таҳлили” деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишнинг эконометрик таҳлили ва прогнозлашнинг назарий-услубий асослари ёритилган. Минтақа (шаҳар ва туманлар)даги КБХТга кўп тармоқли фаолиятни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш; ривожланишдаги тафовутларга барҳам бериш йўллари ни ишлаб чиқиш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш; даромад кўпайишини рағбатлантириш орқали турли шакл(якка тадбиркор, микрофирма, кичик корхона)даги мулкдорлар турмуши фаровонлиги яхшиланишини давом эттириш нуктаи назаридан эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишида Бухоро вилоятининг 1500 та тадбиркорлик субъектидан 30 та (2 гуруҳ-молиявий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий) савол бўйича анкета сўрови натижалари келтирилган. Респондентларнинг фикрларида кредит олиш ва солиқ тўловидаги жиддий имтиёзлар (45,1 фоиз) ва назорат органлари аралашуви кескин кўпчилиги (51,8 фоиз) билан бир қаторда тўловга қобилиятли талаб юқори эмаслиги (56,0 фоиз), шахсий молиявий маблағлар етишмаслиги (59,2 фоиз), бозорнинг торлиги (45,9 фоиз), транспорт харажатларининг юқорилиги (23,5 фоиз), нақд пул муомаласининг қийинчилиги (39,0 фоиз), электр, газ, сув таъминотидаги беқарорлик (53,0 фоиз) кабилар эътироф этилган. Жавоблар асосида молиявий барқарорликка эришиш учун ўзлик молиявий маблағлар салмоғи ўртача 65,0 фоиз ва ундан юқори бўлиши, жалб қилинган маблағлар салмоғи эса, 35,0 фоиздан ошмаслиги зарурияти умумлаштирилган. Анкета жавобларига кўра, шунингдек, тадбиркорларнинг ўз имкониятидан оқилона фойдаланиш (моддий ва молиявий оқимлар ҳаракатини ҳисобга олиш, таҳлил этиш, пухта бизнес-режалар ишлаб чиқиш, инновацияларни татбиқ этиш) кўникмалари етарли эмаслиги; бизнес маслаҳат хизматларига эҳтиёж юқорилиги, турли инфратузилмалар билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик алоқалари шаклланиш жараёнида эканлиги аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодийни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлар учун статистик ҳисобга олишнинг анкета, танланма усулини жорий қилиш, иқтисодий-математик усулларда баҳолаш ва прогноз усуллари ва моделларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги баҳолаш минтақадаги тадбиркорлар ва маҳаллий давлат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кенг камровли анкета сўровлари натижаларидан моделлаштиришнинг услубий асосларини танлашда фойдаланилган. Бунда КБХТ ривожланишининг минтақавий хусусиятларини акс эттирувчи эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланилган (2-расм). Даставвал КБХТ ривожланиши кўрсаткичларининг асосий минтақавий муаммолари бўйича турли (туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли) кесимларда таҳлил этиш, фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда инстикболли устувор йўналишларни асослаш бўйича эконометрик услубиятни танлаш, моделлар ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби белгиланди. КБХТ ривожланиш тенденцияларини акс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритм (таснифлаш, табақалаш, оптимал гуруҳлаш, самарадорликни баҳолаш, босқичли прогнозлаш) лар мажмуи ҳамда кўп омилли регрессия моделлари туркуми аниқланган. Қўлланиладиган барча усуллар (индекслар, корреляция-регрессия, оптимал гуруҳлаш, экстрополяция, интерполяция, эксперт баҳолаш) учун сценарий усулининг мувофиқлаштирувчилигига эътибор қаратилган. Бу жараёнда сценарий усулидан маҳаллий даражаларда илғор хориж тажрибаси сифатида фойдаланиш хусусиятлари кўрсатилган. Илмий адабиётларда¹⁵ сценарий усули мураккаб тузилишли иқтисодий тизимлардаги ходиса ва жараёнлар микдорий прогнозини тадқиқ этиш ва қарор қабул қилишда дастлаб Герман Кан томонидан қўлланган. Бунда асосан таҳлил қилинаётган иқтисодий вазиятнинг қутилаётган ривожланиш йўлларига таъсир этувчи омиллар эътиборга олинади.

Тадқиқот ишида минтақавий маъмурий ҳудудлар кичик тадбиркорлигининг моддий ва молиявий оқимлари ҳаракатини баҳолаш ва прогнозлашдаги эконометрик моделларни “сценарий усули устуворлиги” асосида татбиқ этиш услубияти ёритилган.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам кичик бизнес фаолиятининг ривожланишини ўрганиш бўйича¹⁶ юқоридаги усул асосида бир қатор илмий натижалар олинган. Бироқ олинган натижаларда минтақалардаги ривожланиш хусусиятлари эътибордан четда қолган.

Тадқиқот ишида Бухоро вилоятида кичик тадбиркорликнинг турли тармоқларида моддий ва молиявий оқимлар ҳаракатини баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича эконометрик моделларни сценарий усули асосида татбиқ этиш учун қуйидагилар зарурлиги белгиланди:

¹⁵ Метод сценариев – www.elitarium.ru

¹⁶ Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқт. фан. докт. илм. дар. диссертацияси. - Тошкент.: ТДИУ, 2008. - 325 б.



2-расм. Минтақада КБХТ ривожланишининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ қилиш тизими¹⁷

- вилоят ҳудудлари ва иқтисодиёти тармоқларидаги КБХТ субъектлари ҳолатини баҳолаш;
- инвестиция сиёсатининг КБХТ субъектлари таркибий ўзгаришларига таъсирини кўрсатиш;
- вилоят иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришларнинг истиқбол кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари;
- КБХТни ривожлантириш асосий омилларининг истиқбол кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш.

Учинчи боб “Вилоятда кичик бизнес соҳаси иқтисодий ривожланишининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш” деб номланади. Унда вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнларининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш, вилоят туманлари кесимида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг эконометрик моделларини тузиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ривожланиш ҳолатини эконометрик баҳолаш каби масалалар ёритилган.

¹⁷ Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотда Бухоро вилоятидаги иқтисодий индикаторлари учун беш босқичли “динамика” тизими ишлаб чиқилди: а) 2000-2008 йиллар учун динамик каторларни тузиш; б) махсус статистик усуллардан (корреляция ва детерминация коэффициентлари) фойдаланиб, индикаторларнинг боғланиш зичлигини баҳолаш; в) тренд каторлари ҳамда ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар асосида регрессия тенгламаларини тузиш; г) регрессия тенгламаларидаги регрессия коэффициентлари ҳамда эластиклик коэффициентлари асосида истиқболли боғлиқликлар бўйича эксперт танловини ташкил этиш; д) танланган кўрсаткичлар ва уларнинг тенгламалари асосида прогноз қийматларини ҳисоблаб топиш ва баҳолаш.

Таҳлилларга кўра, танлаб олинган кўрсаткичларнинг ўзаро боғланиш зичлиги аниқланди, кучли, сезиларли ва кучсиз-ночор боғланишлар туркумлаштирилди.

Ҳисоблаб топилган боғланиш зичликларини яққолроқ кузатиш учун боғланиш зичликлари матрицаси ишлаб чиқилди (3-жадвал).

Матрица маълумотларидан вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан бошқа индикаторлар боғланиш зичлигининг соҳалар бўйича пасайиши қуйидагича жойлашган: саноат маҳсулоти – 0,984; аҳоли истеъмол моллари – 0,828; кишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 0,816; инвестиция ҳажми – 0,723; чакана савдо – 0,594; пуллик хизмат – 0,549.

3-жадвал

Бухоро вилояти иқтисодий индикаторларининг боғланиш зичлигини баҳолаш матрицаси¹⁸

| ху | 1. СМ | 2. ИМ | 3. ҚХ | 4. ИН | 5. ЧС | 6. ПХ | Тренд боғланиш |
|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|----------------|
| 1. ЯҲМ | 0,984 | 0,828 | 0,816 | 0,723 | 0,594 | 0,549 | 0,849 |
| 2. СМ | 1,0 | 0,856 | 0,787 | 0,132 | 0,264 | 0,917 | 0,944 |
| 3. ИМ | 0,856 | 1,0 | 0,842 | 0,156 | 0,561 | 0,662 | 0,951 |
| 4. ҚХ | 0,787 | 0,842 | 1,0 | 0,492 | 0,49 | 0,872 | 0,894 |
| 5. ИН | 0,132 | 0,156 | 0,492 | 1,0 | 0,257 | 0,188 | 0,899 |
| 6. ЧС | 0,264 | 0,561 | 0,49 | 0,257 | 1,0 | 0,386 | 0,742 |
| 7. ПХ | 0,917 | 0,683 | 0,872 | 0,188 | 0,386 | 1,0 | 0,966 |

Изоҳ: ЯҲМ – ялпи ҳудудий маҳсулот; СМ - саноат маҳсулоти; ИМ - аҳоли истеъмол моллари; ҚХ - кишлоқ хўжалиги маҳсулоти; ИН – инвестиция ҳажми; ЧС - чакана савдо; ПХ – пуллик хизмат.

Таҳлил этилган вақт оралиғи учун инвестициянинг фақат ялпи ҳудудий маҳсулот (0,723) ва кишлоқ хўжалиги (0,492) билан сезиларли боғланиш зичлиги мавжудлиги аниқланди. Инвестициянинг бошқа кўрсаткичлар билан кучсиз боғланиши қуйидагича тақсимланди: чакана савдо (0,257); пуллик хизмат (0,188); аҳоли истеъмол моллари (0,156); саноат маҳсулоти (0,132). Яна бир эътиборга олинадиган ҳолат шундаки, ўтган давр динамикаси учун инвестициянинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш билан паст боғланиш зичлигида эканлигидир.

¹⁸ Диссертант томонидан БухДУ ҳисоблаш марказида EXCEL дастури ёрдамида ҳисобланди.

Тренд боғлаишида омил(вақт ўзгариши) ва натижавий (танланган кўрсаткичлар киймати) белгилар бўйича боғлаиш зичликларининг юкорилиги намоён бўлди: ялли худудий махсулот-0,849; кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши – 0,894.

Кейинги босқичда танланган кўрсаткичларнинг истиқбол динамикаси учун регрессия тенгламалари тузилди. Регрессия тенгламалари ҳамда улардаги коэффициентларнинг статистик мохиятлигини аниқлаш учун F-Фишер мезони ҳамда t-Стюдент эҳтимоллиги жадвалидан фойдаланилди. Дарбин-Уотсон мезони орқали тенгламалар системасининг тўғрилиги аниқланди. Тенгламаларнинг стандарт хатоликлари бахоланди. Энг мухим кўрсаткичларнинг ўзгаришидаги ўзаро боғлиқликни баҳолашда регрессия ҳамда эластиклик коэффициентлари асос бўлди. Ҳосил бўлган регрессия тенгламаларидаги кўрсаткичларнинг боғлаиш зичлиги регрессия ва эластиклик коэффициентларининг кийматлари таҳлилини умумлаштириш истиқболларини прогнозлаш имконини берди.

Вилоятдаги тармоқ ва соҳалар бўйича иктисодий ўсишнинг тўғри чизикли регрессия тенгламалари ёрдамида ҳисобланган прогноз кўрсаткичлари бозор ислохотлари талаблари даражасига нисбатан мос келишидан дарак беради. Жумладан, вақт омилли билан кучли боғлаиш зичлигидаги ялли худудий ва кишлоқ хўжалиги махсулотларининг 2010 йилдаги ўсиш суръатлари 2007 йилдагига нисбатан мос равишда 8,61 фоиз ҳамда 10,44 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Инвестиция хусусида тўхталганда, шуни айтиш керакки, бу борадаги кўрсаткич 1997-2005 йиллар давомида қарийб бир хил даражада сақланганлиги регрессия тенгламасидаги вақт омиллига нисбатан заиф боғлаишни вужудга келтирди. Фақат 2007 йилдагина инвестиция хажмининг 50 фоизга ортиши маълум даражада силжишига олиб келди. Вилоятдаги инвестиция ҳажми, салмоғи ва ўсиш суръатидаги бундай сусткашлик тадбиркорлик салоҳияти намоён этилишининг кечикишига жиддий таъсир қилаётганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, тренд тенгламаси ҳисобларига кўра, 2010 йилда инвестициянинг ўсиш суръати 2007 йилдагига нисбатан 11,31 фоиз ортиши кутилмоқда. Бундай ўсиш суръатлари жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида мухим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, халқаро иктисодий ҳамкорлик доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 1991-2000 йиллар оралиғида ҳар 3 йилда 2 баравар ортган. Ушбу таққослашлардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида инвестициянинг вақт омиллига боғлиқ бўлган эгри чизикли регрессия тенгламаси ҳисобланганда, 2010 йилда ўсиш суръати камида 2 марта ортиши зарурлиги келиб чиқди. Дарҳақиқат, вилоятдаги инвестиция ҳажми ҳам ҳар 3 йилда камида 2 мартадан ўсагина, аҳоли жон бошига ҳисобланган инвестиция ҳажми бўйича вилоят ва республика кўрсаткичларидаги тафовут камайиб бориш томонга юз тутган бўлади.

Инвестициянинг вақт омиллига нисбатан боғлаиш зичлиги ортиши ўзаро алоқадор бошқа кўрсаткичлар бўйича регрессия тенгламаларидаги натижавий белгилар ҳам юкори суръатларда ўсишини такозо этди. Яъни, инвестиция кейинги 3 йил давомида 2 бараварга орттирилса, саноат ишлаб чиқариши 1,1 бараварга, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 1,97 мартага ортиши пироварди-

да ялли худудий махсулот 1,6 мартага кўпайишини таъминлайди. Инвестициявий фаоллик ҳисобигагина барча соҳа ва тармоқлардаги занжирсимон ўсиш суръатларини воқеликка айлантириш имконияти вужудга келади.

Тадқиқот ишида меъёрий ҳужжатлардаги¹⁹ белгиланган юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш белгиланган қулайлик ва имтиёзлардан вилоят КБХТлари доирасида фойдаланиш даражаси тахлилига оид алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Маълум бир даврда алоҳида туман ва шаҳар, худудлар гуруҳининг асосий тавсифлари – барқарор ва нобарқарор зоналар, синфлараро, синф ичидаги туман ва шаҳарлар кўчишлари, улар ривожланиш фазаларида бўлишининг ўрточа вақтлари тахлили бўйича ишлаб чиқилган алгоритмлар таркиби келтирилган. Булар қуйидагилар:

1. Ретроспектив даврнинг t - йилидаги синфларни аниқлаш алгоритми.

Ретроспектив даврнинг t - йилидаги ҳар бир синф(тўплам) қуйидагича аниқланади:

$$S_k^t : \{ S^i, i \in [t_n - N + 1, t_n] \}, \quad k=1,2,3$$

$$S_k = \bigcap_{i=t_n-N+1}^{t_n} S_k^i, \quad k=1,2,3 \quad (1)$$

бу ерда: S_k - ривожланганлик (S_1 - султ, S_2 - ўрта, S_3 -жадал суръат) динамикасини ифодаловчи тўпламлар; N – ретроспектив узунлиги.

2. Ретроспектив давр мобайнида синфдан синфга «кўчиб юриш» тўпламларини аниқлаш алгоритми.

Ретроспектив давр мобайнида синфдан синфга «кўчиб юриш» кетма-кетлигини кўрсатувчи K_i - тартибланган тўплам бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$K_i = \{ K(i'), i \in t_n \}$$

$$k(i') = \arg S_k^i, \quad (2)$$

бу ерда i -синфдан синфдан кўчишлар сони,

$$k_i = \{ k(i'), [i \in t_n - N + 1, t_n] \} \quad i' \in S_k^i \quad (3)$$

\bar{S} эса ўзгарувчан динамикали «кўчиб юривчи» нобарқарор тўплам бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$\bar{S} = \left\{ i, i \in S_i^i \setminus \bigcup_{k=1}^3 S_k^i \right\}$$

Кетма-кетликнинг доимий киймати учун $i \in S_i$ барқарор тўплам бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$[i \in t_n - N + 1, t_n] \quad K_i^i = \{ k(i) = \text{const} = k,$$

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори.

3. Ретроспектив давр мобайнида синфлараро “кўчиб юриш”ни аниқлаш алгоритми.

Ретроспектив давр мобайнида синфлараро “кўчиб юриш” ҳаракатларини таҳлил қилиш учун синфга кўчишлар сони, синфда бўлишнинг ўртача вақти ҳисобланади.

-синфга кўчишлар сони:

$$N_i(i) = \dim K_i'(t), \quad l = 1, 2, 3, \quad i = 1, 2, \dots, n \quad (4)$$

-синфда бўлишнинг ўртача вақти:

$$T_i(i) = \frac{N_i(i)}{N}, \quad l = 1, 2, 3, \quad i = 1, 2, \dots, n \quad (5)$$

$$\sum T(i) = \frac{1}{N} \sum N(i) = 1. \quad (6)$$

4. Ретроспектив давр мобайнида барқарор ва нобарқарор гуруҳларга мансублик улушини аниқлаш алгоритми.

Ретроспектив давр мобайнида барқарор ва нобарқарор гуруҳга мансублик улушини ҳисобга олиш синфлараро «кўчиб юриш»нинг қисм тўғлам (G_i)лари ёрдамида ифодаланади, яъни:

барқарор қисм тўғламлар:

$$G_1 = G \cap S_1, \quad G_2 = G \cap S_2, \quad G_3 = G \cap S_3, \quad (7)$$

бу ерда: G_1, G_2, G_3 лар – G тўғламнинг қисм тўғламлари.

нобарқарор қисм тўғлам:

$$G_i = G \setminus \bigcup_{k=1}^j G_k = G \setminus \bigcup_{k=1}^j (G \cap S_k) \quad (8)$$

формулалар асосида ҳисобланади.

Бу формулалар КБХТнинг турли кесим(туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли)ларда ривожланишининг самарадорлигини баҳолашга асос бўлиб хизмат қилади, улардан шунингдек, эконометрик прогноз моделлари ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Тўртинчи боб “Вилоятда кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий самарадорлигини эконометрик баҳолаш” деб номланиб, унда асосий эътибор бу соҳани молиявий қўллаб қувватлаш, тадбиркорлик муҳитининг кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганиш ва уни эконометрик баҳолаш, қўп омилли индекслар усули ёрдамида кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш амалга оширилган.

Эконометрик моделлар самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган индекс усули борасида аввало, Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида 2000-2008 йиллар бўйича тўртта эндоген кўрсаткичлар танланди: Бухоро вилояти ЯҲМ. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши, Бухоро вилояти иқтисодиётидаги умумий бандлар сони, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандларнинг вилоят иқтисодиётида умумий бандлар сонига улуши. Юқоридаги эндоген ўзгарувчиларни қуйидаги экзоген ўзгарувчиларнинг ҳисоб-китобларида фойдаланиш тартиби аниқланди: КБХТ нинг вилоят ЯҲМ даги нисбий улуши, Бухоро вилояти КБХТ ЯҲМ да туман ва шаҳарлар КБХТ нинг улуши, вилоятда КБХТ да бандларнинг вилоят умумий иқтисодиё-

тида бандлар сонидаги нисбий улуши, Бухоро вилояти КБХТ да бандлар улушида туман ва шаҳарлар КБХТ да бандларнинг улуши. Вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи индикаторлар (РДИ) асосида вилоят туман ва шаҳарлари 3 та асосий гуруҳга ажратилди:

Биринчи гуруҳ – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик султ даражада ривожланган худуд;

Иккинчи гуруҳ – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўртача даражада ривожланган худудлар;

Учинчи гуруҳ – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал даражада ривожланган худудлар.

Тадқиқотда юқоридаги алгоритм(1-6)лардан келиб чиққан ҳолда 2000-2008 йилларда Бухоро вилояти маъмурий худудларининг ривожланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган гуруҳларга мансублиги аниқланди (4-жадвал). Шу билан бир каторда, 2000-2008 йиллар давомида Бухоро вилояти туман ва шаҳарларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланганлиги бўйича гуруҳларда бўлиш барқарорлиги, муқимлиги деярли муттасил ўзгариб борди. Кўпчилик туман ва шаҳарларда бу ижобий томонга ўзгариб борди.

4-жадвал

Бухоро вилояти туман ва шаҳарларининг КБХТ ривожланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган гуруҳларга мансублиги²⁰

| Туман ва шаҳарлар | 2000 й. | 2002 й. | 2004 й. | 2006 й. | 2008 й. |
|-------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Бухоро | T2(i) | T3(i) | T2(i) | T3(i) | T3(i) |
| Вобкент | T2(i) | T2(i) | T2(i) | T3(i) | T3(i) |
| Жондор | T2(i) | T2(i) | T2(i) | T3(i) | T3(i) |
| Когон | T2(i) | T2(i) | T2(i) | T2(i) | T2(i) |
| Олот | T2(i) | T2(i) | T1(i) | T2(i) | T2(i) |
| Пешку | T1(i) | T2(i) | T2(i) | T1(i) | T1(i) |
| Ромитан | T2(i) | T2(i) | T1(i) | T1(i) | T2(i) |
| Шофиркон | T2(i) | T2(i) | T1(i) | T2(i) | T2(i) |
| Қорақўл | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) |
| Қоровулбозор | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) |
| Ғиждувон | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) | T1(i) |
| Бухоро шаҳри | T3(i) | T3(i) | T2(i) | T3(i) | T3(i) |
| Когон шаҳри | T3(i) | T3(i) | T1(i) | T3(i) | T3(i) |

Тадқиқотда ретроспектив даврининг таҳлил қилинган тегишли йили учун шаҳар ва туманларда КБХТнинг ривожланганлик даражасига баҳо берилган, яъни, шаҳар ва туманларнинг ҳар бир синфда бўлиш муддати, бошқа синфга кўчиш хусусияти кўрсатилган. Унга кўра, 2000-2008 йиллар давомида Қорақўл, Қоровулбозор, Ғиждувон туманларида КБХТ I гуруҳ (T1(i))га, Когон туманида эса КБХТ II гуруҳ (T2(i))га ва ниҳоят шу давр мобайнида Бухоро ва Когон

²⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шаҳарларида КБХТ[†] III гуруҳ(Т3(i)) мансуб. Шаҳар ва туманларнинг ривожланганлик даражасининг яна бир гуруҳланиши 5-жадвалда келтирилган. Бу жадвалда улар олдинги жадвал маълумотлари асосида айнан бирор гуруҳга мойиллигининг эҳтимоллик даражасига кўра қайта гуруҳланган.

Масалан, Пешку ва Ромитан туманлари 60 фоиз ($P(T1(i))=0,6$), Олот ва Шофиркон туманлари 80 фоиз ҳамда Жондор тумани эса 60 фоиз ($P(T11(i))=0,6$) II гуруҳда ривожланишга мойил. Ушбу гуруҳда 40 фоиз эҳтимоллик билан Бухоро, Вобкент, Пешку ҳамда Ромитан туманлари ривожланишга мойил.

5-жадвал

Бухоро вилояти туман ва шаҳарларининг КБХТ ривожланганлиги бўйича табақалаштирилган гуруҳларга мойиллиги²¹

| Туман ва шаҳарлар | Худуднинг КБХТ ривожланганлиги бўйича қайси гуруҳга ²² мойиллиги эҳтимоллиги | | |
|-------------------|---|-------------------|--------------------|
| | I гуруҳ T1(i) | II гуруҳ T2(i) | III гуруҳ T3(i) |
| Бухоро | 0 | 0,4 | 0,6 |
| Вобкент | 0 | 0,4 | 0,6 |
| Жондор | 0 | 0,6 | 0,4 |
| Когон | 0 | 1,0 | 0 |
| Олот | 0,2 | 0,8 | 0 |
| Пешку | 0,6 | 0,4 | 0 |
| Ромитан | 0,6 | 0,4 | 0 |
| Шофиркон | 0,2 | 0,8 | 0 |
| Қорақул | 1,0 | 0 | 0 |
| Қоровулбозор | 1,0 | 0 | 0 |
| Ғиждувон | 1,0 | 0 | 0 |
| Бухоро шаҳри | 0 | 0,2 | 0,8 |
| Когон шаҳри | 0,2 | 0 | 0,8 |

Шундай қилиб, Бухоро вилояти туман ва шаҳарларининг КБХТ ривожланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган гуруҳларда ривожланишга мойиллигини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар кўрсатишича, вилоят туман ва шаҳарлари орасида КБХТ ривожланиши бўйича аутсайдерлар гуруҳига 100 фоиз эҳтимоллик билан ($P(T1(i))=1$) Қорақул, Қоровулбозор, Ғиждувон туманларини киритиш мумкин. II гуруҳда ривожланишга мойиллиги “нисбатан юқори” бўлган туманлар эса Олот ва Шофиркон туманлари 0,8 (80%) бўлиб, ушбу туманларнинг I гуруҳда ривожланишга мойиллиги 0,2 (20%) ни ташкил этади. III гуруҳда ривожланишга мойиллиги юқори бўлган туманлар ва шаҳарлар эса Бухоро ва Когон шаҳарлари 0,8 (80%) ҳамда Бухоро ва Вобкент туманлари бўлиб, уларнинг III гуруҳда ривожланишга мойилликлари бир хил, яъни 0,6 (60%) ни ташкил этади.

Таҳлилларга кўрсатишича, 2000-2008 йилларда вилоят бўйича ўртача РДИ

²¹ 2000-2008 йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

²² I гуруҳ T1(i)-кичик бизнес суэт даражада ривожланган гуруҳ; II гуруҳ T2 (i) – кичик бизнес ўртача даражада ривожланган гуруҳ; III гуруҳ T3(i) – кичик бизнес жадал даражада ривожланган гуруҳ.

2000 йилдаги 22,5 дан 2008 йилда 38,5 га етган. Барча маъмурий ҳудудларда ҳам изчил ривожланиш кузатилса-да, айрим туманларда вилоятнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан сурункали суस्तкашлик давом этган. Жумладан, Ғиждувон (РДИ=14,8), Қоровулбозор (РДИ=15,8), Пешку (РДИ=17,6) ва Қорақўл (РДИ=18,4) туманлари таҳлил йиллари давомида суст ривожланиш гуруҳи доирасидан чиқиб кета олмаганлар. Ўз навбатида, 2008 йилга келиб, Жондор РДИ=35,7, Вобкент РДИ=37,8, Бухоро РДИ=37,8 туманлари пешкадамлар гуруҳ (Бухоро ва Когон)га қўшилган.

Таҳлилларга кўра, кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий талабларга жавоб берувчи рақобатбардош экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, янги иш жойларини яратиш йилдан-йилга ошиб, импортнинг асосиз ҳажми қисқартирилмоқда.

Юқоридаги имкониятларни инobatга олиб, тадқиқотнинг услубий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида минтақада кичик тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи қуйидаги янги кўрсаткичлар(маҳаллий бюджетга туширилган солиқ йиғимларида кичик тадбиркорлик субъектлари улуши, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан кичик корхоналар сони, минтақа иқтисодиётидаги умумий инвестициялар ҳажмига нисбатан кичик тадбиркорликдаги инвестиция улуши)ни ҳисоблаш алгоритмлари тавсия этилди.


Бешинчи боб “Вилоятда кичик бизнес соҳаси ривожланишининг устувор йўналишлари ва истикболлари” деб номланиб, унда глобал молиявий инқирознинг вилоят кичик бизнес соҳасига таъсири ва уни юмшатишнинг асосий устувор йўналишлари, кичик бизнес соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини прогнозлаш амалга оширилган.

Тадқиқотда сценарий усулини ишлаб чиқишдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркиби ва тармоқ сиёсати прогнозини амалга оширишнинг 12 босқичли тизими таклиф этилган (3-расм).

Ишлаб чиқилган тизим таркибидаги босқичлар мазмуни қуйидагича тавсифланади: 1-2-босқичлар вилоят туман ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси параметрлари ва йўналишларини аниқлаш; 3-4-босқичлар маҳаллийлаштириш дастуридаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда вилоят, туман ва шаҳарлар бозорларининг КБХТ субъектлари товар ва хизматларига бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш; 5-6-босқичлар вилоят унинг туман ва шаҳарларида КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажмининг прогнозлаш; 7-8-босқичлар прогноз қилинаётган КБХТ субъектлари махсулот ҳажмининг ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлигини аниқлаш; 9-10-босқичлар вилоят, унинг туман ва шаҳарларидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда КБХТ субъектларида ривожлантирилиши лозим бўлган устувор тармоқларини аниқлаш ва прогнозлаш; 11-12-босқичлар вилоят, унинг туман ва шаҳарларида КБХТ субъектларини ривожлантириш сиёсатини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш.

Тадқиқотда юқоридаги ишлаб чиқилган тизимдан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилоятида КБХТни ривожлантиришнинг прогнозлаш вариантлари учун

сценарий шарт-шароитлари белгиланди. Хусусан, булар вилоят туман ва шаҳарлари ўртасидаги нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки, КБХТнинг ривожланишидаги номуносибликларни йўқотиш; туман ва шаҳарларда КБХТ бир хил суръатларда изчил ривожланишини таъминлаш; КБХТ субъектларини ривожлантиришда табақалаштирилган ёндашувни қўллашдан иборат.



3-расм. Минтақа ҳудудларидаги КБХТ ривожланишини прогношлаш тизими²³

Тадқиқотда Бухоро вилоятида КБХТ ҳудудий таркибини шакллантириш ва ривожлантиришнинг куйидаги стратегик йўналишлари ажратиб кўрсатилди:

- КБХТ субъектлари нисбатан кам ривожланган туман ва шаҳарларга инвестиция жалб этишни кўпайтириш;

²³ Муаллиф ишланмаси.

• КБХТ паст даражада ривожланган туман ва шаҳарларда табиий-иктисодий имкониятларни, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда инфратузилмани сифат жиҳатидан такомиллаштириш;

• КБХТ иқтисодий фаолиятини бой маҳаллий минерал, иссиқлик-энергетик ва бошқа ресурсларга асосланган ҳолда диверсификациялаш.

Баён қилинган шарт-шароитлар ва йўналишлар асосида КБХТ субъектларини ривожлантириш ва таркибий қайта қуриш иккита босқичга ажратилди. 2009-2012 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичда вилоятда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан, КБХТни ривожлантиришнинг асосий омилларидан юқори даражада фойдаланган ҳолда ҳудудий номутаносибликларни камайтириш ва унинг ЯҲМ даги улушини 60-70 фоизга етказиш вазибалари ҳал қилинади.

Иккинчи босқич 2012-2015 йилларни ўз ичига олади. У КБХТ нинг вилоят иқтисодиётидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, кичик ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги синергетик самараларни, кооперацион алоқаларни кучайтириш, КБХТни вилоят иқтисодий ривожланишининг, иқтисодий ўсишнинг барқарор манбасига айлантириш билан тавсифланади. Тадқиқотда КБХТни ривожлантиришга ишлаб чиқариш имкониятларини ташкил қилувчилари ва соҳа тараққиётидаги муаллиф таснифлаган асосий омиллар таъсири аниқланди.

Тадқиқотда Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг 1995-2008 йиллардаги қуйидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари танлаб олинган: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган товар ва хизматлар ҳажми (Y), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши (Y_1), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ($N_{кб}$), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар сони ($L_{кб}$), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар ва инвестициялар (I).

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, мустақилликдан кейинги ўтган ўн саккиз йил давомида вилоятда КБХТ ривожланиш тенденцияларини экспоненциал, даражали, логарифмик, кўрсаткичли, биноминал ва чизикли функциялар ёрдамида таҳлил қилганда чизикли функциянинг кўпроқ реал амалиётни аниқроқ ифодалаши намоён бўлди.

Шу сабабдан ҳам чизикли тенгламанинг детерминация коэффиценти катта бўлганлиги учун (0,9819) тенгламанинг чизикли шакли танлаб олинди. Бунда:

1. Боғлиқ бўлмаган барча ўзгарувчилар ($N_{кб}$, $L_{кб}$, I) орасидаги корреляция коэффицентлари қуйидагича бўлади (6-жадвал).

Бундан кўриниб турибдики, олинган тўртта кўрсаткич орасидаги боғланишлар кучли.

2. Қўп омилли корреляция коэффиценти R қуйидагига тенг: $R=0,9803$

Чизикли регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y=22,7243-0,015622 N_{кб}+0,001132 L_{кб}+0,000304 I$$

Омиллар бўйича эластиклик коэффицентлари қуйидагига тенг:

$$\varepsilon_{N_{кб}}=0,0053; \varepsilon_{L_{кб}}=0,3643; \varepsilon_I=0,4429$$

Бухоро вилояти КБХТ ривожланишини прогноллаш моделига кiritилган ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция коэффициентлари²⁴

| | Y_1 | $N_{кб}$ | $L_{кб}$ | I |
|----------|----------|----------|----------|----------|
| Y_1 | 1 | 0,71837 | 0,967071 | 0,88196 |
| $N_{кб}$ | 0,718374 | 1 | 0,757249 | 0,762707 |
| $L_{кб}$ | 0,967071 | 0,757249 | 1 | 0,831151 |
| I | 0,881964 | 0,762707 | 0,831151 | 1 |

Фишернинг ҳисобланган F мезони киймати ($F_{\text{ҳисоб}}=8,246$) жадвалдаги қиймат ($F_{\text{жал}}=3,01$) билан солиштирилганда ($F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жал}}$) натижанинг қаноатланарлиги тасдиқланди. Яъни олинган тўғри чизикли регрессия тенгламаси реал жараёнга мос келар экан.

Оқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Уяхм, $N_{кб}$, $L_{кб}$, I ларнинг вақт билан боғлиқ регрессия тенгламалари қуйидагича аниқланди:

$$\begin{aligned}
 Y_1 &= 2,6868t + 16,899, & R^2 &= 0,9072 \\
 N_{кб} &= 1,9668t + 1,9989, & R^2 &= 0,9499 \\
 L_{кб} &= 0,408t^2 - 4,6889t + 64,698, & R^2 &= 0,7693 \\
 I &= 4538,8e^{0,1327t} - 24500, & R^2 &= 0,8597
 \end{aligned}$$

Ушбу тенгламалардан кўринадики, вилоятда КБХТнинг ЯХМ даги улуши ва кичик бизнес субъектларининг сони бўйича 1995-2008 йиллар мобайнидаги кўрсаткичларнинг тўғри чизикли тенгламасини аниқ ифодалайди, яъни юқоридаги боғланишларда кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси тўғри чизикли қонуниятга бўйсунди. Бундан ташқари, КБХТ да бандлар сони бўйича вақт трендини даражали функция, КБХТга ажратилган инвестициялар ҳажми бўйича боғланишни эса экспоненциал функция тўлароқ ифодалайди. Юқоридаги функциялар асосида тегишли кўрсаткичлар бўйича прогноз қийматлари аниқланди (7-жадвал).

Тадқиқотда олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, 2012 йилга бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Бухоро вилояти ЯХМ идаги улуши 69,8 фоизга, вилоят иқтисодиётида умумий банд бўлганларнинг сонидagi улуши 80,4 фоизга, КБХТ субъектлари сони эса, қарийб 40 мингга кўпаяди. Бу прогноз натижалари эса Президентимиз томонидан белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМ даги улушини 50-60 фоизга етказишдек улкан вазифаси реал амалиётга қанчалик мослигининг назарий исботидир.

Шуни қайд этиш керакки, I босқичда КБХТ ни ривожлантиришга ишлаб чиқариш, экспорт, инфратузилмавий, меҳнат, ижтимоий-маданий, инновацион омилларнинг таъсири ахамиятли ҳисобланади.

II босқичда эса иқтисодий имкониятларнинг таъсирида ер-сув, тадбиркорлик, экологик имкониятлар ва тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий демографик омиллар таъсири ҳам салмоқли бўлади.

Юқоридаги босқичлар асосида тадқиқотда оптимистик (I) ва пессимистик

²⁴ Муаллиф томонидан БухДУ ҳисоблаш марказида EXCEL дастури ёрдамида ҳисобланди.

(II) вариантлар амалга оширилди.

7-жадвал

**Бухоро вилоятида КБХТ ривожланишининг асосий кўрсаткичлари
прогнози²⁵**

| Йил (I) | КБХТда яратиладиган товар ва хизматлар ҳажми, млрд.сўм (Y) | КБХТ нинг ЯҲМдаги улуши, фоиз (Y ₁) | КБХТда бандларнинг вилоят иктисодиётида умумий бандлар сонидagi улуши, фоиз (L _{кб}) | КБХТ субъектлари сони, бирлик (N _{кб}) | КБХТга ажратиладиган кредитлар ва инвестициялар, млн.сўм (I) |
|-------------------|--|--|--|--|---|
| 2008 ^x | 935,5 | 59,3 | 77,8 | 31000 | 49780,6 |
| 2009 | 1077,6 | 62,1 | 78,2 | 33120 | 58649,3 |
| 2010 | 1251,8 | 65,6 | 78,8 | 35245 | 67342,1 |
| 2011 | 1424,7 | 67,9 | 79,8 | 37132 | 79876,7 |
| 2012 | 1461,4 | 69,8 | 80,4 | 39556 | 91231,2 |
| 2013 | 1493,2 | 71,2 | 81,0 | 41816 | 102147,3 |
| 2014 | 1521,6 | 73,4 | 82,6 | 43602 | 117471,6 |
| 2015 | 1804,2 | 75,8 | 83,4 | 45014 | 139922,5 |

^x 2008 йил ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар

Оптимистик вариант 2 та асосий ҳолатга асосланади: КБХТни ривожлантиришга давлатнинг фаол аралашуви; туман ва шаҳарларда амалга ошириладиган иктисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, иктисодиётнинг янада эркинлаштирилиши, мамлакат ва вилоят иктисодиётини модернизациялашни жадаллаштириш. Бу вариант I-босқичда ишлаб чиқариш имкониятларига эга туман ва шаҳарларда КБХТ субъектларининг таркибини ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда туман ва шаҳарларда иктисодиётнинг базавий тармоқлари, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини ривожлантириш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, қайта лойihalаш, техника билан янгидан қуроллантиришни назарда тутди. Пессимистик вариант КБХТ субъектларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг эскича амалиёти сақланиши, жойларда давлатнинг кичик бизнес субъектлари ривожланишига маъмурий аралашувисиз ўз ҳудудларида мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришни ҳисобга олади (8-жадвал).

Муаллифнинг фикрича, КБХТни ривожлантиришда биринчи вариантни амалга ошириш тавсия қилинади.

Оптимистик вариант вилоятда 2009-2012 йилларда кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантиришни ва қуйидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишни белгилаб беради:

²⁵Диссертант томонидан БухДУ ҳисоблаш марказида EXCEL дастури ёрдамида ҳисобланди.

**Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида КБХТ субъектларининг
ЯХМ даги улуши бўйича прогнози* (фоизда)**

| Минтакалар | 2008 йил | 2012 йил | | 2015 йил | |
|---------------|-------------|-----------|------------|-----------|------------|
| | | I вариант | II вариант | I вариант | II вариант |
| Бухоро | 59,6 | 69,2 | 59,9 | 75,9 | 64,2 |
| Вобкент | 55,7 | 68,9 | 55,8 | 72,6 | 60,7 |
| Жондор | 59,3 | 69,1 | 59,6 | 74,3 | 62,1 |
| Когон | 55,4 | 68,6 | 55,9 | 73,8 | 61,3 |
| Олот | 61,6 | 70,9 | 61,8 | 76,7 | 63,0 |
| Пешку | 58,4 | 68,5 | 59,0 | 74,9 | 62,2 |
| Ромитан | 62,3 | 70,4 | 62,6 | 76,5 | 65,1 |
| Шофиркон | 66,0 | 70,1 | 66,5 | 78,7 | 67,1 |
| Қорақўл | 59,0 | 68,4 | 59,7 | 73,2 | 63,2 |
| Қоровулбозор | 58,9 | 67,9 | 59,8 | 73,6 | 61,4 |
| Ғиждувон | 54,2 | 69,8 | 55,1 | 74,8 | 57,2 |
| Бухоро шаҳри | 59,5 | 72,6 | 62,5 | 79,6 | 67,6 |
| Когон шаҳри | 60,8 | 72,8 | 62,8 | 80,4 | 68,5 |
| Вилоят бўйича | 59,3 | 69,8 | 60,1 | 75,8 | 63,4 |

*Муаллиф ҳисоб-китоблари: I вариант-оптимистик, II вариант-пессимистик

• КБХТ нинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича дастур ва лойиҳаларни давлатнинг бош ислохотчилигига асосланиб, босқичма-босқич амалга оширишни давом эттириш;

• КБХТ субъектларини ўз ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланишига эриштиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат муҳитини янада яхшилаш;

• КБХТ субъектларининг техникавий қайта қуроллантириш ва янги технологияларни жорий этиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш ва қайта ўқитиш асосида улар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;

• КБХТ субъектларининг ҳудудий ва тармоқ таркибларини яхшилаш;

• КБХТ субъектларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илгор шакллари қўллаш;

• қисқа муддатда қопланувчи инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш.

Вилоятда иқтисодийёт тармоқларини таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш иқтисодийётда сифат жиҳатидан силжишга эришишни таъминлайди. 2012 йилгача кичик тадбиркорлик улушини босқичма-босқич саноатда 13-14 фоизгача, кишлоқ хўжалигида эса 99,0 фоизга, пуллик хизмат кўрсатишда 65,5 фоиз, экспортда улушини 11,0 фоизга, қурилиш ишларида 36-38 фоизга етказиш белгилаб олинди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан вилоятда кичик бизнес соҳасини барқарор ривожлантириш учун 2015 йилгача бўлган мақсадли дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.

Иктисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар асосида экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиши лозим. Бунинг учун кичик тадбиркорликнинг товар ва хизматларини ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш; сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўли билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш; экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

ХУЛОСА

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, иктисодий самарадорлигини ошириш ҳамда эконометрик моделлаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Глобал молиявий-иктисодий инкироз иктисодчилар ва мутахассисларнинг маъмурий-худудий, миллий ва жаҳон хўжалиги ривожланишида муштракликни тиклашга бўлган эътиборини кескин оширди. Мамлакатимизда инкироз хатарларига барҳам бериш бўйича дастур халқаро амалий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик борасидаги чоралар қўлами кенгайишини янги босқичга кўтарди ва янги илмий тадқиқотлар учун асос бўлди. Айниқса миллий иктисодиёт мавқеининг мустаҳкамланишида, минтақавий ва маъмурий ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик ривожининг тадиқ ва таҳлил талаблиги ортмоқда. Бунда эконометрик тадқиқотлар маъмурий ҳудудларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик салохиятидаги афзалликлар ва заифликларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш, кўп вариантли дастурлар ишлаб чиқиш, муқобил қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш учун зарурий восита ҳисобланади. Ушбу восита кичик тадбиркорликнинг иктисодий фаоллигини оширади.

2. Минтақада кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш зарур. Бу борада модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштириш учун корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтирилаётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солиғидан, ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солиғидан озод қилиш бу масалага ижобий таъсир кўрсатади.

3. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида давлат хусусий ташаббускорликни инновацион тадқиқотларга қаратувчи қулай бизнес муҳитини шакллантириши; таркибий ислохотларни оптималлаштириши; микро, мезо ва минтақавий даражаларда инновацион инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашиш (суғурталаш, инновацион воситачилар институти, технопарклар ва ҳақозо)и лозим. Мазкур шароитларни амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорлар бизнесни ташкил қилишнинг анаънавий моделидан инновацион моделига ўтиш имконини қўлга киритадилар.

4. Таҳлил натижалари кўрсатишича, КБХТ ривожланишининг минтақавий хусусиятларини ақс эттирувчи эконометрик моделларни ишлаб чиқишда тизимий ёндашувдан фойдаланиш талаб этилади. Тизимий ёндашув таркибини: асосий минтақавий муаммолари бўйича турли (туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли) кесимларда таҳлил этиш; фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда истикболли устувор йўналишларни асослаш бўйича эконометрик услубиятни танлаш; моделлар ишлаб чиқиш ва қўллаш тартибини белгилаш ташкил этади. Бунда КБХТ ривожланиш тенденцияларини ақс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритм(таснифлаш, табакалаш, оптимал гуруҳлаш, самарадорликни баҳолаш, босқичли прогнозлаш)лар мажмуи ҳамда қўп омилли регрессия моделлари туркуми муҳим ўрин тутди. Тизимий ёндашувда қўлланиладиган барча усуллар учун сценарий усулининг мувофиқлаштирувчилигига эътибор қаратиш лозим.

5. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш ушбу масала билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Шунингдек, бу соҳада инновация фаолиятини ривожлантиришга тамомила янги ёндашувни жорий этиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

-рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган, фан сиғими юқори бўлган юқори технологик жиҳозларни жорий этиш;

-кичик тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг янги воситаларини яратиш (шартнома, грант, кооператив келишув) ;

-илмий-тадқиқот фаолиятини инвестициялашнинг билвосита рағбатлантириш усулларини ривожлантириш (солиқ имтиёзлари, пасайтирилган кредит ставкалари бўйича қарз бериш, давлат илмий-тадқиқот ва ўқув муассасаларини лицензиялаш жараёнини молиявий қўллаб-қувватлаш).

6. Муаллиф фикрича, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга эришиш учун:

• биринчидан, қонунчиликда кўзда тутилган барча рағбатлантириш ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқларга барҳам бериш зарур;

• иккинчидан, ислохотларнинг бу муҳим устувор йўналишини қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада кенгайтириш ва янги манбаларини излаб топиш лозим;

• учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни келажакда ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодийётда етакчи ўрин тутишига эришиш зарур;

• тўртинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда сифатли ҳамда замонавий техник база негизига эришиш зарур. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялар тармоғини ҳар томонлама сервис хизмати йўли билан ривожлантириш лозим;

• бешинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжаликлари янада ривожланиши ва мустақамланишига жиддий эътибор бериш ҳамда ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш даркор.

7. Индекс усулидаги таҳлилларга кўра, Бухоро вилояти бўйича 2000-2008 йиллар давомида КБХТ РДИ кўрсаткичлари изчил ошиб борган. Масалан, вилоятда ўрганилаётган йилларда КБХТ ривожланганлиги ўртача кўрсаткичи 22,5 дан 38,5 га етган. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари кесими бўйича ҳам КБХТ изчил ривожланишига эришилган. Туман ва шаҳарларнинг ривожланиш хусусиятларини баҳолаш мақсадида маъмурий ҳудудлар уч гуруҳга (суст, ўртача, жадал) ажратилган. Бунда КБХТ суст ривожланаётган Ғиждувон, Пешку ва Қорақўл туманларига, пешқадам бўлган Бухоро, Когон шаҳарлари ҳамда Жондор, Вобкент, Бухоро туманларида татбиқ этилаётган ривожланиш омилларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф фикрича, КБХТ ривожланганлик даражаси индикаторини нафақат Бухоро вилояти, балки, барча вилоятлар туман ва шаҳарлари учун юқоридагидек усулда аниқлаб, амалиётга киритиш мумкин.

Вилоятлар ҳудудлари кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланганлигини кўрсатувчи ушбу индикатор ёрдамида республикамиз вилоятлари туман ва шаҳарларида маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодиёт бош бошқармалари, Савдо-саноат палаталари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар кўп укладли иқтисодиётда устувор мавқега эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасидаги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашда, қабул қилинадиган инвестицион қарорлар самарадорлигини оширишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

8. Таҳлилларга кўра, келгусида минтақада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- микрокредит ва микролизинг хизматларини асосан яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва қасаначиликни фаоллаштириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтириш;

- микрокредитлардан фойдаланилаётган миқозлар сонидан бошлангич сармоялардан фойдаланадиган миқозларни ошириш. Бунда юридик шахс мақомида мужассамлашмаган хусусий тадбиркорлик субъектларига алоҳида эътибор қаратиш;

- келгусида микрокредитларнинг асосий қарз тўловлари ҳамда уларга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ қайтарилишини таъминлаш орқали муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик ва мониторинг ишларини кучайтириш;

- микрокредитдан фойдаланадиган миқозлар сони мунтазам ошиб боришини инobatга олган ҳолда ҳамда ажратилган микрокредитларнинг ўз вақтида қайтарилишининг таъминланишида муаммолар юзага келишининг олдини олиш мақсадида жойларда бу мавзуларга бағишланган семинарлар ўтказиш ва уларнинг самарадорлигини ошириб бориш.

9. Муаллиф фикрича, минтақада кичик корхоналар фаолияти натижаларини эконометрик баҳолашда қўшимча мезонларни киритиш зарур.

Маълумки, корхона фаолиятини таҳлил этишда ишлаб чиқаришни характерловчи тармоқ кўрсаткичлари учун нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажми (умумий ва жон бошига); 1 сўмлик харажатга тўғри келадиган соф фойда; ишлаб чиқариш рентабеллиги; ишлаб чиқарилган ва сотилган 1 сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари; фонд кайтими. Муаллиф фикрича, қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлар ресурслардан самарали фойдаланишни ифодалайди: капитал сиғими, материал сиғими; 1 сўмлик маҳсулот (иш, хизмат) ўсишига нисбатан капитал қўйилмаларнинг улуши ва бошқалар. Ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш соҳани иқтисодий таҳлил қилишга, илғор тадбиркорлик субъектларини аниқлашга имкон яратди.

10. Бухоро вилоятида КБХТ ривожланишини эконометрик прогнозлаш кам ривожланган туман ва шаҳарларда ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини ривожлантириш билан тавсифланади. КБХТ субъектларини ривожлантиришни прогноз қилишнинг оптимистик вариантдан фарқи ўлароқ, ҳақиқатдаги варианты КБХТ субъектларининг sanoati нисбатан юқори ривожланган туман ва шаҳарларда (вилоят туман ва шаҳарларида) концентрациялашуви ва натижада туман ва шаҳар КБХТ субъектларининг ривожланиш жиҳатидан фарқланиши янада чуқурлашувиغا олиб келади.

11. Таҳлилларга кўра, КБХТ субъектларини ривожлантиришнинг оптимистик вариантини амалга ошириш қуйидагиларга имкон беради:

- барча туман ва шаҳарларнинг манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда КБХТ субъектларини ривожлантириш ҳисобига минтақавий ва ҳудудий бозорлар, бозор инфратузилмаси шакллантирилишини жадаллаштириш;

- туман ва шаҳарларда мавжуд табиий-иқтисодий имкониятлардан, ички захиралардан ва иқтисодий ўсиш омилларидан оқилона фойдаланиш;

- КБХТ ривожлантиришда маҳаллий бошқарув органлари ролини, мавжуд молиявий ресурсларнинг аҳамиятини изчил равишда ошириш;

- КБХТ субъектларида ишлаб чиқариш самарадорлигини интенсив омиллар, ишлаб чиқаришнинг илғор шакллари ҳисобига ошириш;

- туман ва шаҳарларда КБХТни ривожлантириш мақсадида йирик миллий ва хорижий компанияларнинг бўлимлари, филиалларини жойлаштириш;

- КБХТ субъектлари кам ривожланган туман ва шаҳарларда рационал бандликни ва янги ишчи ўринларини яратиш бўйича имкониятларни ошириш;

- жойларда КБХТ субъектларини жадал ривожлантириш ҳисобига аҳолининг даромадларини ошириш ва ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш;

- туман ва шаҳарларда КБХТ ни истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтириш;

- вилоят туман ва шаҳарлари ўртасида КБХТ субъектлари ривожланишидаги фарқларни камайтириш.

Юқоридаги боғланишларни эътиборга олиш, шу асосда Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича макро ва микро даражада иқтисодий қарорлар қабул қилиш вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ва мутаносиб ривожланишига олиб келади.

12. Вилоятда эконометрик модель ва усуллар асосида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган табақалаштирилган стратегик ёндашув жойларда ресурсларнинг тақсимланишидаги номуносивибликка барҳам бериш, демографик, табиий, иқтисодий имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади, алоҳида олинган ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ривожланиш истиқболини белгилаб беради.

13. Минтақанинг 2015 йилгача мўлжалланган прогноз маълумотларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан таркибий ўзгаришларнинг аниқ натижаларига боғлиқ. Муаллиф фикрича, бунда асосий ўринни хусусий мулкдорлар сафини кенгайтириш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликларини ривожлантириш эгаллайди.

14. Таҳлиллар кўрсатишича, келгусида вилоятда кўзда тутилаётган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш энг аввало ички ресурслар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратишни тақазо этади. Бу борада хорижий инвестицияларнинг янги шакллариини жалб этишни рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштириш; мавжуд имтиёзлардан самарали фойдаланиш; давлат ва хусусий тузилмалар ўртасидаги инвестицион шерикчилик алоқаларини ривожлантириш; инвестицион лойиҳаларни танлашда ва уларни асослашда молиявий корхоналарга кўпроқ эркинлик бериш; хорижий ҳамкорларга мамлакат инвестицион салоҳияти тўғрисида кенгрок маълумот бериш талаб этилади.

15. Бухоро вилоятида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- саноатда кичик бизнес корхоналарининг улушини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, янги корхоналар барпо этиш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошишини рағбатлантириш;

- фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янги имкониятлар тугдириш, хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ривожлантириш;

- кишлoқ хўжалиги корхоналарига ўз маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий технологияларни сотиб олиши учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланишга кўмаклашиш чораларини кўриш.

16. Муаллиф фикрича, сценарий усулини татбиқ этиш натижаларидан келиб чиқиб, вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 2009-2012 йилларда эришиладиган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари (ЯХМнинг 8,5 ва 10,0 фоиз ўсиши) қулай макроиктисодий ва ҳуқуқий муҳит яратилиши, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги ижобий институционал ва таркибий ўзгаришлар, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш пойдевори ҳисобланади.

17. Муаллиф фикрича, КБХТ ривожланиш тенденцияларини таснифлаш,

табақалаш, оптимал гуруҳлаш, самарадорликни баҳолашда қўлланиладиган алгоритмлар мажмуасининг устунлиги: а) келажак прогнозида талаб қилинадиган катта ҳажмли ахборотлар мажмуасида қўшимча имкониятлар мавжудлиги; б) масала қўйилишидан тортиб, то унинг статистик таҳлили натижалари ечими интерпретациясигача бўлган бутун жараёни ўзига қамраб олганлиги; в) ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро аниқ ва ноаниқ боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги; г) инвестицион ва инновацион ҳолат аниқ микдорий ўзаро алоқадорликда баҳоланиши; д) мазкур соҳани ривожлантиришнинг максалли худудий дастури ҳамда маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган тадбирларни бирлаштирувчи умумлашган дастурни энг қулай қарорлар асосида ишлаб чиқиш ва ягона бошқарув сиёсатини олиб боришдаги яқин кўмаги билан тавсифланади.

18. Вилоятда кичик тадбиркорликнинг янада ривожланишида кредит муассасаларини ривожлантириш муҳим роль ўйнашини ҳисобга олган ҳолда, банк-молия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида: аҳоли ва тадбиркорларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, банклараро рақобат муҳитини шакллантириш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг янги турларини ривожлантириш, микрокредитлар берилишини сезиларли даражада кенгайтириш лозим.

19. Тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидагилар аниқланди: вилоятдаги тор ихтисослашув ва меҳнат тақсимотининг бошланғич ҳолатда эканлиги кичик тадбиркорлик тараққиётига монелик қилмоқда; туман марказлари ва шаҳарлашган манзиллардаги мавжуд инфратузилмалар қайта ишлаш саноатини янги технологиялар асосида ривожлантиришга қўндаланг бўлиб қолмоқда; иқтисодий банд аҳоли даромади паст даражада эканлиги ҳудудий истеъмолчилар талабининг тор (озик-овқат ва кийим-кечак, пойабзал) доирада чекланишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, вилоятдаги кичик тадбиркорлик муҳити ҳимояланиши, қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши, унинг тузилмавий ислохотлар даражасига боғлиқлигини орттирмоқда. Бунда айрим тармоқ ёки тадбиркорлик субъектлари эмас, яхлит ҳудудий тадбиркорлик ривож топади.

20. Ҳудудлардаги тадбиркорлик тараққиётига қўмаклашувчи идора ва муассасалар, комиссия ва кенгашлар фаолиятида ишлаб чиқиладиган ва татбиқ этиладиган тадбирлар, дастурлар ва бошқа ёндашувларда ҳудудларнинг қоқлик сабабларига барҳам беришдаги муштараклик етишмайди. Тор доирадаги манфаатдорликдан ҳудудий манфаатдорлик устуворлигига ўтиш ҳудудлар даражасидаги муттасил мутаносиблик ва мувофиқлик ошиб боришига хизмат қилади.

21. Таҳлилларга кўра, КБХТ ривожланишини туманлар ва шаҳарлар кесимидаги имкониятларини амалиётга тўлароқ татбиқ этиш учун маҳаллий эҳтиёжни туманлараро қондиришга қаратилган тадбиркорлик субъектлари (мини ғишт заводи, сутни қайта ишлаш ва консерва заводлари кабилар) ни барпо этиш вилоятда синергик самарадорлик ортинининг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Бунда ҳар бир туманнинг тадбиркорлик муҳитидаги заифликларга бошқа туман (ёки шаҳар) нинг афзалликларини жалб этиш эвазига барҳам берилади.

Пировардида туманларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳияти минтақа аҳолиси эҳтиёжларини тўлароқ кондирришга олиб келади.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Монографиялар ва илмий журналларда эълон қилинган мақолалар

1. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. –Тошкент “Фан”, 2008.-190 б.

2. Раҳмонов Ҳ.О. Фермер хўжалиklarини изчил ривожлантириш-аграр ислохотларнинг устувор масаласи. // Агро илм “Ўзбекистон кишлок хўжалиги” журнали илмий иловаси. –Тошкент, 2007.-№4.-Б.52-54.

3. Раҳманов Х.О. Развития малого бизнеса и частного предпринимательства. // “Экономика и финансы”. - Москва. -2007, №4. -С.46-48.

4. Раҳманов Ҳ.О. Развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. // “Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан”. - Нукус, 2007.-№3.-С.53-54.

5. Раҳманов Ҳ.О. Микрофинансирование в Узбекистане: текущие состояния и перспективы развития. // “Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан”. - Нукус, 2007.-№3. –С.57-58.

6. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари. // “Бухоро давлат университети илмий ахбороти”.- Бухоро, 2007.-№1.-Б.30-33 .

7. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. // “Жамият ва бошқарув” – Тошкент, 2007.- №3 - Б.104-105.

8. Раҳмонов Ҳ.О. Тадбиркорликни ривожлантиришда инновацияларнинг ўрни. //Агро илм “Ўзбекистон кишлок хўжалиги” журнали илмий иловаси. – Тошкент, 2007.-№8. - Б.25-26 .

9. Раҳмонов Ҳ.О. Тадбиркорликни ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш. // “Ўзбекистон кишлок хўжалиги”. – Тошкент, 2007.-№8. - Б.25-27

10. Раҳманов Х.О. Микро финансирование малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане: текущие состояние и перспективы развития. // “Экономика и финансы”. - Москва, 2008.-№1. - С. 59-62.

11. Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг иқтисодий таҳлили. // “Иқтисодиёт ва таълим”.-Тошкент. 2008.- № 2.- Б.51-54 .

12. Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш.// “Ўзбекистон кишлок хўжалиги”. – Тошкент, 2008.-№ 2.- Б.27-28.

13. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақа фермер хўжалиklarидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этиш йўллари. //”Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2008. -№2. -Б. 22-23.

14. Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. // “Ўзбекистон кишлок хўжалиги”. – Тошкент, 2008.-№2. – Б.27- 29

15. Раҳмонов Ҳ.О. Фермер хўжалигидаги муаммолар. //“Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2008. - №2. – Б.96-98.

16. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. // “Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2008.- №3. – Б.104-106.

17. Раҳманов Х.О. Ўзбекистон: инвестициям-широкий путь! // “Объединенный научный журнал”. – Москва, 2008.- №5 (211). – С.8-11.

18. Раҳмонов Ҳ.О. Самарали мелиорация тадбирлари– даромадли дехкончилик гарови. //“Ўзбекистон кишлок хўжалиги”. – Тошкент, 2009. – №4. –Б.27- 28.

II. Илмий анжуманлар материаллари тўпламларидаги ишлар

19. Раҳмонов Ҳ.О. Кишлоқ хўжалиги тармоғида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари. //“Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва истикболлар” мавзусидаги мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент,ТДИУ, 2002, 83-85 б.

20. Раҳмонов Ҳ.О. Ўзбекистонда фермер хўжалиги ривожланишини такомиллаштириш йўллари. //“Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2004, 33-35 б.

21. Раҳмонов Ҳ.О. Отажонов Ш.И. Барқарор тараққиёт йўлини таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик ўрни. //“Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларни таъминлаш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2006,98-99 б.

22. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновациялардан самарали фойдаланиш йўллари. // “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларни таъминлаш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2006, 102-105 б.

23. Раҳмонов Ҳ.О. Фермер хўжаликларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш. //“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2007,123-125 б.

24. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш-миллий иқтисодиётни юксалтиришнинг энг муҳим омили сифатида. // “Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ,2007, 46-48 б.

25. Раҳмонов Ҳ.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бизнес стратегияларни ишлаб чиқиш хусусиятлари. //“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2007, 98-102 б.

26. Раҳмонов Ҳ.О. Бухоро вилоятининг кичик тадбиркорликдаги ўрни. // “Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги республика илмий- амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 23-26 б.

27. Гойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О. Тадбиркорликни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш йўллари. // “Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”. Мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 38-39 б.

28. Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И. Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш.// “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги республика илмий- амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 77-79 б.

29. Раҳмонов Ҳ.О. Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш. // “Ўзбекистон кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 37-38 б.

30. Гойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О. Ўзбекистон иқтисодийнинг модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги инновациялардан фойдаланиш йўллари. // “Иқтисодийнинг таркибий қисмлари” ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари” мавзусидаги республика илмий- амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 37-40 б.

31. Раҳмонов Ҳ.О. Тадбиркорликни ривожлантиришда янги ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш истикболлари. // “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2008, 281-282 б.

32. Раҳмонов Ҳ.О. Концептуальная основа устойчивого развития малого предпринимательства в регионах республики.// “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2009, 221-223 б.

33. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига қарши кураш дастури: чора-тадбирлар, амалий натижалар. // “Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози оқибатлари ва таъсири бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари” мавзусидаги минтақавий илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Бухоро, БухДУ, 2009, 28-33 б.

34. Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш омиллари. // “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, ТДИУ, 2009, 170-174 б.

35. Раҳмонов Х.О. Бухоро вилояти иқтисодийётига инвестиция киритишнинг ахволи.// “Қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдорлигини ошириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. - Бухоро, БухДУ, 2009, 23-25 б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Раҳмонов Ҳамроқул
Оқиевичнинг 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича

“Иқтисодийтни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик
моделлаштириш (Бухоро вилояти мисолида)” мавзусидаги диссертацияси

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: минтақавий иқтисод, кичик бизнес, кичик корхона, хусусий тадбиркорлик, худудий тадбиркорлик, инновацион фаолият, бизнес режа, тадбиркорлик муҳити.

Тадқиқот объекти: Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти танланган.

Ишнинг мақсади: минтақа даражасида кичик бизнес соҳасини ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда устувор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, математик–статистика, эксперт баҳолаш, эконометрика, иқтисодий-математик моделлаштириш, анкета орқали кузатиш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар каби усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: глобал молиявий инкироз шароитида мамлакатимиз минтақаларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини устувор ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни туркумлашнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган; Бухоро вилоятида кичик бизнес субъектларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари аниқланиб, уларни ҳал этишнинг услубий жиҳатлари асосланган; вилоятдаги кичик бизнес субъектлари фаолияти таҳлилида қўлланиладиган алгоритмлар ва эконометрик моделлар тизими ишлаб чиқилган; вилоят туманларини кичик бизнес соҳасининг иқтисодий самарадорлигига кўра оптимал гуруҳлаштириш алгоритми тавсия этилган; кўп омилли индекслар усули ёрдамида вилоят кичик бизнес соҳасининг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган; минтақа иқтисодий тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган; вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини эконометрик прогнозлаш вариантлари ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган асосий тақлифлар ва хулосалардан вилоятлар ҳокимлиги савдо-саноат палатаси, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси каби муассасаларнинг худудий мувофиқлаштирувчи Дастурларини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар Бухоро вилояти ҳокимлиги (№ 3/532 – 3.10.08), Бухоро вилояти Савдо – саноат палатаси (№ ШХ-01-321 – 7.10.08), Бухоро вилояти статистика бошқармаси (№ 01/1 – 04/570 – 7.10.08), Бухоро давлат университети (№14/10 – 5.11.08) томонидан амалиётга ва ўқув жараёнига татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларидан вилоятлар ҳокимликлари, иқтисодий бошқармалари, савдо-саноат палаталари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари амалий фаолиятларида, шунингдек, иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари ўқув жараёнларида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Рахманова Хамракул Оккиевича на тему: «Эконометрическое моделирование социально-экономического развития малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях либерализации экономики (на примере Бухарской области)» представленной на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и статистика».

Ключевые слова: региональная экономика, малый бизнес, малое предприятие, частное предпринимательство, региональное предпринимательство, инновационная деятельность, бизнес план, предпринимательская среда.

Объект исследования: объектом исследования выбраны субъекты малого бизнеса и частного предпринимательства, функционирующие в Бухарской области.

Цель работы: совершенствование теоретико-методологических основ прогнозирования и эконометрического моделирования развития малого бизнеса на региональном уровне, а также разработка научно-практических предложений и рекомендаций по развитию приоритетных направлений малого бизнеса.

Методы исследования: в процессе исследования применялись: системный подход, сравнительный и структурный анализ, математическая статистика, метод экспертных оценок, эконометрика, экономически-математическое моделирование, анкетный опрос, метод статистических группировок и экономические индексы.

Полученные результаты и их новизна: разработаны научно-теоретические основы группирования (ранжирования) факторов, влияющих на приоритетное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в регионах республики в условиях глобального финансового кризиса; определены проблемы социально-экономического развития субъектов малого бизнеса в Бухарской области и обоснованы методические основы для их решения; разработана система алгоритмов и эконометрических моделей, использованная при анализе деятельности субъектов малого бизнеса в данной области; предложен алгоритм оптимального группирования в соответствии с экономическими результатами сферы малого бизнеса в районах области; произведена оценка экономической эффективности малого бизнеса в области с помощью многофакторных индексов; разработаны эконометрические модели оценки уровня использования потенциала малого бизнеса и частного предпринимательства в экономических отраслях региона; разработаны варианты эконометрического прогнозирования социально-экономического развития субъектов малого бизнеса в области.

Практическая значимость: основные выводы и рекомендации научного исследования могут быть использованы при разработке, анализе и оценке соответствующих региональных программ в торгово-промышленных палатах областных хокимиятов и фермерско-деханских объединениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные предложения и рекомендации приняты к внедрению и использованию в Бухарском областном хокимияте (№ 3/552 – 03.10.08), Бухарской торгово-промышленной палате (№ ШХ-01-321-07.10.08), Бухарском областном управлении статистикой (№ 01/1-04/570-07.10.08), а также в учебном процессе Бухарского государственного университета (№ 14/10-05.11.08).

Область применения: результаты исследования могут быть применены в областных хокимиятах, торгово-промышленных палатах, в практической деятельности предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства, и в учебном процессе по экономическим специальностям в высших учебных заведениях.

RESUME

Thesis of Khamrokul Okkievich Rakhmanov on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in economic sciences on specialty 08.00.06 – “Econometrics and statistics”, on the theme: “Econometric modeling of social and economic development of small business and private entrepreneurship under conditions of liberalization of the economy (on the example of Bukhara region)”

Key words: regional economy, small business, small enterprise, private entrepreneurship, regional entrepreneurship, innovative activity, business plan, entrepreneurial environment.

Subject of research: subjects of small business and private entrepreneurship operating in Bukhara region.

Purpose of work: improvement of theoretical and methodological basis of prognostication and econometric modeling of small business development on the regional level, as well as elaboration of scientific and practical proposals and recommendations on development of priority directions in small business.

Methods of research: in the course of the research the following methods were used: system approach, comparative and structural analysis, mathematical statistics, method of expert evaluation, econometrics, economic and mathematical modeling, questionnaire survey, method of statistical grouping, and economic indexes.

The results obtained and their novelty: the author has developed scientific and theoretical basis for ranging of factors influencing on priority development of small business and private entrepreneurship in the regions of the republic under conditions of the global financial crisis; defined the problems of social and economic development of small business' subjects in Bukhara region and proved methodological base to solve them; elaborated the system of algorithms and econometric models which has been used in analyzing the activity of small business subjects in the region; offered the algorithm of optimal grouping, in accordance with economic results of small business operation in the districts of the region; assessed the economic effectiveness of small business in the region by using multifactoral indexes; elaborated the econometric models estimating the level of usage of small business and private entrepreneurship's potential in economic fields of the region; developed variants of econometric prognosis of social and economic development of small business' subjects in the region.

Practical value: the main conclusions and recommendations of the research can be used in developing, analyzing and evaluating of appropriate regional programs in the Chamber of Commerce and Industry of the regional governing bodies and farmers' associations.

Degree of embed and economic efficiency: developed proposals and recommendations have been accepted to implementation and usage in the governing body of Bukhara region (№ 3/552 – 03.10.08), in the Chamber of Commerce and Industry in Bukhara region (№ IIIХ-01-321-07.10.08), in Bukhara regional statistical department (№ 01/1-04/570-07.10.08), and in educational process of Bukhara State University (№ 14/10-05.11.08).

Field of application: outcomes of the research can be used in the regional governing bodies, chambers of commerce and industry, in practice of small business' enterprises and private entrepreneurship, as well as in teaching of economic disciplines in higher educational institutions.

Формат А5. Объем 2,0 п.л. Тираж 100 экз.

Отпечатано в минитипографии Управления делами АН РУз:
100047, Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.